

# МЕДИАПЕДАГОГИКА ИЖТИМОЙ МОДЕРНИЗАЦИЯНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Наргис ҚОСИМОВА,  
филология фанлари номзоди

Инсон биологик ва ижтимоий мавжудот. XX — XXI асрларда ахборотнинг мисли кўрилмаган даражада ортиши, инсон айнан ана шу ахборот уммонида чўкиш хавфи пайдо бўлганда айнан ёрдамга медиатаълимнинг келиши бежиз эмас. Аслида медиатаълим, медиасаводхонлик тушунчалари анча илгари пайдо бўлиб, аввало ахборотни тушиниш, саралаш, қайта ишлаш ва онгли равишда, зарурини қабул қилишни англатади. Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий тараққиёти асрлар давомида ўзгаради, такомиллашади ёхуд салбий ахборотлар таъсирида жамият аъзоларининг фикри ўзгариши оқибатида регрессияга учрайди. Олимлар “модернизация” тушунчаси остида анъанавий жамиятнинг постиндустриал босқичга ўтишини тушунишади ва унга цивилизациянинг ажралмас бўлаги сифатида қарашади<sup>1</sup>. 100 йил илгари кино пайдо бўлиши билан аудиовизул ахборотнинг вужудга келиши айнан медиатаълимнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Статистик маълумотларга кўра бугунга келиб дунёда аудиовизул ахборотнинг тарқалиш тезлиги кино пайдо бўлгандан бошлаб 700 маротаба кўпайган. Бугунги кунда ахборотни қабул қилаётган авлод бевосита телевизор, компьютер, интернет, смартфон ва айпадлар билан вояга етмоқда. Шу билан биргаликда рақамли технологиялар орқали тарқатилаётган ахборотларни борича қабул қилаётгани ачинарли ҳол. Бугунги кун медиатаълими биринчи галда аудиовизуал тилни яхши билиши ва унинг салбий ва ижобий томонларини фарқлай олиши зарур. Буни албатта медиатаълимнинг ажралмас қисми бўлган медиапедагогика амалга оширади. Зеро медиапедагогика оммавий коммуникация қонуниятларини тизимли

---

<sup>1</sup> Данильчук Е.В. Теоретико-методологические основы формирования информационной культуры будущего педагога. Ростов: Изд-во Ростов. гос. пед. ун-та, 2002. 110 с.